

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

МИРЗАЕВА НОДИРА АБДУХАМИДОВНА

**ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Мирзаева Нодира Абдухамидовна

Талабаларда экологик компетентликни ривожлантириш тизимини
такомиллаштириш методикаси.....5

Мирзаева Нодира Абдухамидовна

Методика совершенствования системы развития экологической
компетентности у студентов.....22

Mirzaeva Nodira Abduxamidovna

Methodology of improving the system of development of ecological competence
in students45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

МИРЗАЕВА НОДИРА АБДУХАМИДОВНА

**ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3. PhD/Ped317 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cspi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Толипова Жамила Олимжоновна,**
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар **Эрназарова Гулнора Облакуловна,**
педагогика фанлари доктори, профессор

Ибодова Махфуза Намозовна,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот **Қўқон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «04» август санасида, соат 12-00_даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdri-kengash@umail.uz.

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (31- рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41)

Диссертация автореферати 2021 йил «19» июль санасида тарқатилди.
(2021йил «19» июлдаги 3 - рақамли реестр баённомаси).



Ж.Э.Усаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д.

Д.М.Махмудова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

Р.А. Эшчанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсон фаолияти доирасида юзага келган ижтимоий, иқтисодий, демографик, маънавий ва экологик тангликни бартараф этиш замонавий цивилизациянинг долзарб муаммоси сифатида кўтарилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит бўйича 2021 йилдаги 5-саммит UNEP¹ (United Nations Of Environment Programme) дастурида: табиатга бўлган ижтимоий-иқтисодий, экологик беқарор ёндашувларни ўзгартирмаслик, саломатлик билан боғлиқ пандемияларни юзага келтириб, мавжуд муаммоларни кучайишига янги сабаб бўлиши таъкидланди.

Дунё барқарор ривожланиш мақсадида халқаро ва минтақавий экологик таълимга оид дастурлар заруриятини тан олмоқда ва дунё таълим тизимининг янги концепциясида ижтимоий ва экологик қатламдаги экологик муаммоларни яхлит кўра олувчи, таҳлил этувчи, тизимли ва ижодий фикрловчи, мета-компетентли мутахассислар ташкил этиши таъкидланган. Бу борада, жаҳондаги “Келажак дунё таълим федерацияси” – “World Futures Studies Federation”² дастурида “Environmental Education Link”, Лондондаги «Education For Our Common Future» барқарор ривожланишнинг таълимий портали (GDLN) кабилар экологик таълимнинг ривожи учун самарали хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида экологик муаммолар ечимига таълим тизимини жорий қилиш билан ҳисса қўшиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик саводхонлигини ошириш, экологик онги ва экологик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, экологик таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этиш борасида кенг қамровли вазифалар амалга оширилмоқда³. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, инсон капитали ва глобал иқтисодиёт доирасида замонавий экологик таълим – тарбияни амалга оширишда, замонавий мутахассиснинг экологик компетентлигига асос бўладиган экологик тайёргарликнинг педагогик моделини яратиш танланган мавзунинг долзарблигини далолатлайди.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги, 2019 йил 27 майдаги 434-сон “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Экологик таълимни ривожлантириш

¹ <https://www.un.org/ru/ga/unep/index.shtml>

² en.m.wikipedia.org, <https://wfsf.org/>

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 434-сон қарори.

концепциясида олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва талабаларининг экологик компетентлигини изчил тадқиқ этиш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экологик саводхонлик ва маданият тушунчалари Шарқ оламида 3000 йил илгари шаклланиб келинган. Юртимиз тарихига доир бебаҳо асар “Авесто” табиатни асраб-авайлашга оид энг дастлабки ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикасида экология ва атроф-муҳит муҳофазасининг назарий асосларини А.Тўхтаев, Э.О.Турдиқулов, Б.Зиёмуҳаммедов, Ҳ.Турсунов, А.Ниғматов, Т.Эргашев, А.Эргашев, Ш.Т.Отабоев, Р.У.Бекназаров, Д.Ёрматовалар; мактабгача таълим тизимида: М.Р.Ҳалилова, Л.Т.Шанасирова, Г.Комилова; олий таълимда талабаларнинг экологик саводхонлигини юксалтириш ва уларни татбиқ этишнинг методик асослари: Н.Бозорова, А.Маликова, И.Х.Аюбовалар; экологик таълим-тарбия ва маданият масалалари, фанлараро интеграллаш муаммолари: А.Р.Мелибоев, Х.Б.Норбўтаев, М.Нишонбоева, Н.Ў.Нишонова, О.Т.Абдиева, М.М.Алиқулова, Б.Қултўраев, П.Ў.Берданова, В.Сатторов, Т.Т.Сапаров, М.Б.Раҳимқулов, Н.М.Эгамбердиева, М.Раҳматуллаева, Х.Раҳматовалар; таълим–тарбия жараёнига компетенциявий ёндашувни амалга ошириш: Ж.О.Толипова, Г.С.Эргашева, А.К.Раҳимов, Н.Муслимов, Б.Ходжаевлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида экология назарияси В.Н.Вернадский, Н.Н.Моисеев томонидан ўрганилган, экологик билимларни ўқувчи-талабаларга етказишнинг илмий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг турли жиҳатлари Н.М.Мамедов, С.Н.Глазачев, М.А.Заборина, А.В.Хуторский каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий олимлардан Laleshwar Nand, Nina Roczen, Bartosh Oksana, Marcus Arny экологик билимларни педагогик самарадорлиги ва дидактик моҳиятини очиб берган бўлса, Thomas E.Lovejoy, Eugene Pleasants Odum, F.Stuart Chaplin III каби эколог олимлар илмий изланишлари ва тадқиқотлари дунё экологиясининг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланишига хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-230 «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» дарслиги ва «Экологик ўлкашунослик» ўқув-методик

қўлланмасини тайёрлаш» (2015-2017 йй.) амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади талабаларда экологик компетентлик даражасини ривожлантиришнинг дидактик асосларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларнинг билимларни қабул қилиш типологик даражасини ўрганиш ва экологик компетентликни ривожлантириш педагогик-психологик муаммо эканини илмий-назарий асослаш билан замонавий экологик таълим тизимида бенчмаркинг стратегиясини қўллаб-қувватлаш ва қиёсий таҳлил қилиш;

талабаларнинг экологик компетентлиги ривожига таъсир этувчи омиллар, мезонлар ва хусусиятларни нейролингвистик дастурлаш (НЛД) технологияси орқали аниқлаш;

экологик компетентлик моделининг идентив ўқув мақсадлари, мезонлари, ўқитиш технологияларини инновацион ва нейролингвистик дастурлаш технологиялари асосида такомиллаштириш ва амалиётга тадбиқ этишнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш;

талабаларда экологик компетентликни ривожлантириш имконини берадиган метадастурий тузилмани атроф-муҳит, инсон капитали ва глобал иқтисодиёт интеграцияси шароитида асослаш, уни педагогик тажриба-синовдан ўтказиб, самарадорлик даражасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” курсини ўқитишда талабаларнинг экологик компетенциясини ривожлантириш жараёни белгиланиб, Гулистон давлат университети, Миллий рассомлик ва дизайн институти ва Тошкент давлат педагогика университети тажриба гуруҳларида 1197 нафар талаба, назорат гуруҳларида эса 1207 нафар талаба иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бакалавриат йўналишдаги талабаларда экологик компетентликни ривожлантириш мазмуни, воситалари, метод ва шакллари белгиланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир экологик, сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; давлат таълим стандартлари, ўқув дастури, олий таълим меъёрий ҳужжатларини ўрганиш; педагогик таҳлил; тарихий-қиёсий таҳлил; педагогик кузатув; тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш; анкета сўровлари, савол-жавоб, суҳбат; математик статистика; экологик-педагогик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўровнома); педагогик эксперимент; мониторинг; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талаба шахсининг типологик даражаларига мувофиқ (аудиал, визуал, кинетик, дигитал) замонавий экологик таълим тизимидаги холистик ёндашув, фасилитацион таълим, норматив-ҳуқуқий каби илғор хусусиятларни

бенчмаркинг стратегиясини қўллаб-қувватлаш асосида такомиллаштириш мумкинлиги аниқланган;

нейролингвистик дастурлашнинг метамодел, лангар, рапорт каби услублари асосида соғлиқни муҳофазалаш, кадрлилик-аҳамиятлилик, фуқаролик ҳуқуқи ва бурчи экологик компетентликни ривожлантирувчи омиллар эканлиги норматив ва аксиологик мезонларга устуворлик бериш орқали илмий-назарий асосланган;

бўлажак мутахассислар экологик компетентлигини ривожлантириш моделининг мазмун-моҳияти Б.Блум таксономияси асосида очиб берилган, инновацион (фасилитацион, витаген, рефлексив ва ахборот технологиялари) ва нейролингвистик дастурлаш (НЛД) технологияларидан узвий фойдаланиш асосида дидактик таъминот яратилган;

талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришнинг методик тизими, дидактик вазифалар ва педагогик муносабатлардан иборат метадастурий тузилманинг мазмун моҳияти очиб берилган ва атроф-муҳит, инсон капитали ва глобал иқтисодиёт доирасида замонавий экологик таълим – тарбияни амалга оширишга мос таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган тизим, методика, баҳолаш мезонларидан олий таълимнинг нобиологик йўналишларида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, барқарор ривожланиш таълимини ўқитиш методикаси бўйича махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. “Экология”, “Табиатни муҳофаза қилиш”, “Барқарор ривожланиш таълими” доирасидаги фанларни ўқитиш методикаси илмий-педагогик маълумотлар билан бойитилди. Талабаларда экологик компетентликни шакллантириш мазмуни, шакллари, методлари, ўқитиш воситалари белгилаб берилди. Тадқиқот ишида илгари сурилган илмий-назарий ғоялар бўлажак мутахассисларнинг экологик компетентлигини шакллантиришга имкон беради. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан олий таълимнинг нобиологик йўналишлари учун малака талаблари ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда қўлланган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги; олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

таклиф этилган модель, тизим, дастурлар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини педагог кадрлар малакасини ошириш ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этиш жараёнларига жорий этилиши, педагог

кадрларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришда фойдаланилиши билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экология ва табиатни муҳофаза қилиш ўқув курслари мазмунини ҳамда ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, замонавий ўқув-методик таъминот, электрон дарслик яратиш, илғор таълим технологияларини жорий этиш учун хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларда экологик компетентликни ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

бенчмаркинг стратегияси асосида талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилган ва “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепцияси”га сингдирилган (Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2019 йил 16 июлдаги 000346-сон далолатномаси). Натижада диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 434-сон қарори I-бобининг 1 ва 2-бандларини, IV-бобининг 17 ва 24 бандларини, VI-бобининг 33 ва 35-бандларини шакллантиришда амалий асос бўлиб хизмат қилди;

талабаларнинг экологик компетентлигини ривожлантиришга таъсир этувчи нейролингвистик дастурлаш услубларини касбий фаолиятга оид кўникмалар билан интеграциялаш асосида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” номли ўқув қўлланма яратилган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 май 237-сонли буйруғининг 7-илоvasи). Мазкур ўқитиш воситалари қўллаш натижасида талабалар экологик компетентлиги ривожлантиришнинг самарадорлик даражасини 15 % га ошиши таъминланган;

бўлажак мутахассисларнинг экологик компетентлигини ривожлантириш моделининг мазмун-моҳиятини ёритувчи метадастурий тузилманинг дидактик таъминоти асоси “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг мазмунига сингдирилган (Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2019 йил 16 июлдаги 000346-сон далолатномаси). Натижада диссертация ишидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сонли “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 1-илоvasини тасдиқлашда ва Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда “Йўл харитаси”нинг 12.8 ва 13.3 – вазифаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

талабалар экологик компетентлигининг истиқболли моделини яратишда ва замонавий экологик таълим-тарбияни амалга оширишга мос таклиф ва тавсиялардан Тошкент давлат педагогика университетида 2015-

2017 йилларда бажарилган А-1-230 рақамли амалий лойиҳасида кенг фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 02-07-902/04 маълумотномаси). Натижада диссертациннинг статистик ва тажриба-синов ишлари таҳлилий материаллар бўйича илмий асосланган назарий хулосалар Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-230 амалий тадқиқотлар лойиҳаси, 2 та дарслик ва 7 та илмий мақола мазмунига сингдирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 та республика ва 3 та хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 139 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий, услубий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқотни амалга ошириш босқичлари ҳамда тадқиқот натижаларини педагогик тажриба-синовдан ўтказиш, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Талабаларда экологик компетенцияни шакллантиришнинг назарий масалалари”** деб номланган биринчи бобида педагогика ва экология ўқитиш методикасида таълимга компетент ёндашувга доир қарашлар, экологик компетенциялар таҳлили, талабалар учун мўлжалланган дарслик ва услубий қўлланмалар таҳлили, илмий мақола ва диссертациялар, ўқитиш жараёнида мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Экологик таълим-тарбия инсоннинг табиий қадриятларни англаши, инсон ва табиат ўртасидаги маданий-биофизикавий муносабатлари ва атроф-муҳит ҳақидаги билим, кўникма ва малакалари мажмуи деб белгиланган.

Экологик таълим-тарбия тизимини ўрганиш жараёнида бир нечта ривожланган давлатлардаги экологик таълим ва тарбия бериш тизимини қиёслаш, таълим муассасаларида вужудга келтирилган инновацион таълим муҳити, замонавий ўқитиш тизими ва экологик маданиятнинг юқори даражада бўлишига сабаб бўлган омилларни ўрганиш ва мазкур тажрибалардан тадқиқот давомида ижодий фойдаланиш асосида самарали усуллари яратиш, талабалар экологик компетентлигини ривожлантириш имконини берди.

Талаба шахсининг типологик даражаларини тадқиқ этиш билан аудиал, визуал, кинетик, дигитал психологик типлар аниқланган бўлиб, талаба шахси томонидан билимларни ўзлаштириш даражаси таҳлил қилинган. Замонавий экологик таълим тизимидаги холистик ёндашув, фасилитацион таълим, норматив-ҳуқуқийлик каби илғор хусусиятлар бенчмаркинг стратегияси асосида такомиллаштирилган бўлиб, экологик компетентликни ривожлантириш орқали касбий компетентлик даражасини орттириш назарда тутилганлиги эътиборга олинган ҳолда хорижий давлатлар экологик таълими қиёсий таҳлил этилди ва уларда самарали хусусиятлар миллий таълимга сингдирилди.

Компетенция - талабаларнинг таҳсил давомида фанлардан ўзлаштирган назарий ва илмий билимларини ўқув жараёнида мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда вужудга келтирилган ўқув муаммоларни ҳал этишда ижодий фойдалана олиш қобилияти саналади.

Экологик компетентлик – бу экологик таълим-тарбия натижасида талабаларнинг экологик тафаккур, онг, табиий-илмий дунёқарашини ривожлантириш, экологик билим, кўникма, малакаларини умумий экологик хавфли вазиятларни олдини олиш ёки тўхтатиш юзасидан қарорлар қабул қилишга қаратиш, касбий фаолиятда экологик муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этишга йўналтирилган амалий тадбирларни тарғибот қилиш ва ташвиқот ишларини олиб бориш лаёқатидир.

Компетенциявий таълим талабаларни фан, ишлаб чиқариш, жамият, келгусида мустақил ҳаёт ва касбий фаолиятда вужудга келадиган асосий муаммоларни англаш ва улар ечимини топиш, тўғри ва асосли қарор қабул қилишга замин яратади.

Шахс эгаллайдиган касби, мустақил ҳаётдаги мавқеи, саводхонлик даражасига боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Унинг экологик компетентлиги хусусий компетентлик даражасидан умумий, таянч компетентности даражасига кўтарилади.

Тадқиқот давомида Давлат таълим стандарти билан меъёрланган фанга доир хусусий компетенциялардан “Соғлом турмуш тарзи ва экологик компетенция” асос қилиб олинди ва таълим жараёнига жорий этилди (1-расм).



1-расм. Талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари.

Юқори малакали ва коммуникатив хусусиятларга эга мутахассислар жамиятнинг инсон капиталини ташкил этади ва тез суръатлар билан ривожланаётган замонавий иқтисодиётнинг асоси ва асосий захираси бўлиб хизмат қилади. Дунё ҳамжамияти рақамли иқтисодиёт ахборот ва коммуникация ривожидан турган бир вақтда, бўлажак мутахассисларни нафақат билим, кўникма ва малака билан чегаралаш балки, уларда умумий ва касбий компетенцияларни таркиб топтиришга эътибор қаратилгандагина мутахассис ўз фаолият соҳасида тўлиқ ўзлигини намоён қила олади.

“Экология ва табиатни муҳофаза” қилиш ўқув курсини ўқитишда талабалардаги мавжуд компетенциялар асосида экологик компетенцияларни фанлараро интеграция орқали ривожлантириш, дифференциал ёндашув негизида касбий компетенцияларнинг таркиб топтириш назарда тутилди ва бўлажак мутахассисларнинг малака талаблари асосида экологик компетентликка таъриф шакллантирилди.

Шахсга йўналтирилган ва касбий фаолиятга оид экологик компетентликни онгли фаолият тарзида тушуниш талабанинг шахсий имкониятлари, тажрибалари мураккаб бўлган экологик хусусият касб этган вазиятлар орқали ҳаётнинг қуйидаги тармоқларида намоён бўлади:

1. Билиш дунёси. Шахснинг таҳсили давомида ўзлаштирилган билим, кўникма, малакаларини ўқув жараёнида вужудга келтирилган муаммоларни ҳал этишда янги ва қўлланмаган вазиятларда қўллаш, экологик муаммоли вазиятларда асосли қарорлар қабул қилиш орқали экологик компетентлик таркиб топтирилади.

2. Фуқаролик жамият қатлами. Шахс жамиятнинг аъзоси сифатида табиий муҳит билан боғлиқ фуқаролик бурч ва мажбуриятларни бажариш, табиий ресурслардан истеъмолчи сифатида оқилона фойдаланиш, экологик акциялар, табиатни муҳофаза қилишга оид оммавий тадбирларда фаол иштироки орқали экологик компетентлик ривожлантирилади.

3. Ижтимоий-меҳнат қатламида шахснинг танлаган ихтисослигига мос касбий фаолиятни эгаллаш орқали экологик компетентликни эгалланганлик даражаси орттирилади.

4. Маиший ҳаёт қатлами. Бу қатламда экологик компетентлик турли зарарли одатлардан ҳоли соғлом турмуш тарзини эгаллаш, тикланадиган ва тикланмайдиган табиий захира бойликлардан тежамкорона фойдаланиш, маиший ҳаётда экологик хавфсизликка риоя этишга қаратилган.

5. Маданий-маърифий қатлам. Шахс томонидан узлуксиз таълим тизимида эгалланган билим, кўникма ва малакалар негизида шаклланиб, ақлан, жисмонан, маданий-маърифий, руҳий ривожлантирадиган усуллар, тадбирларни қўллаш орқали экологик компетентлик юзага келади.

Талабаларда экологик компетенцияларни ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари натижасида экология ва атроф муҳит муҳофазаси модулидан фойдаланиш жараёнида талабаларда экологик компетенцияларни таркиб топтиришнинг методик тизими ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Талабаларда экологик компетенцияларни таркиб топтириш ва ривожлантириш методик тизими.

Диссертациянинг “Талабаларда экологик компетенцияни ривожлантириш методикаси” деб номланган иккинчи бобида талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришнинг методик тизими ижтимоий-экологик шароит эътиборга олинган ҳолда яхлит тузилма шаклида ишлаб чиқилган.

Талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришда, методик тизимнинг тузилиши ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади - экологик фаолиятга қаратилган мақсадли-мазмунли, ташкилий-фаолиятли ва натижавий-таҳлилий қисмларга бириктирилган ёндашувлар, қоидалар, методик тизимнинг таркибий қисмлари, жумладан, таълим мазмуни, ўқитиш воситалари, методлари ва шакллари, тайёргарлик ва англаш даражалари, билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолаш.

Тадқиқотда талабаларда экологик компетенциялар шаклланганлигини аниқлашда қуйидаги мезонлардан фойдаланилди:

1. Норматив-ҳуқуқий мезонлар. Инсон ва табиий муҳит билан муносабатларини таъминловчи маънавий қонун-қоидаларни ўзлаштирганлик даражаси.

2. Аксиологик мезонлар. Бўлажак мутахассисда шаклланган шахсий, иқтисодий, касбий қадриятларнинг табиий қадриятларга бевосита таъсири, ҳаётий ва табиий муаммоларни ҳал этиш жараёнида талабчанлик, тежамкорлик ва истеъмолчилик қарашларини аниқлаш назарда тутилди.

Тадқиқот давомида методик тизимнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлайдиган нейролингвистик дастурлашнинг метамодел, “Лангар”, “Рапорт” каби услублари, илмий-педагогик ёндашувлар, жумладан, ўқитувчининг педагогик ва талабанинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш ва ўқув мақсадларига эришиш имконини берадиган витаген, миллий қадриятлар, шахсга йўналтирилган аксиологик ёндашувлар аниқланди ва шу асосда методик тизим шакллантирилди.

Методик тизимда таълим-тарбия жараёнида эгалланган билим, кўникма, малакалар, таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларни мустақил ҳаёт ва касбий фаолиятдаги экологик муаммоларни ҳал этишда қўллаш имкониятини берадиган, етакчи-лидерларни шакллантиришга қаратилган, замонавий ахборот технология воситалари орқали талаба онгига таъсир этадиган витаген, рефлексив, фасилитацион, муаммоли таълим ва ахборот инновацион технологиялари, ўқитиш воситалари сифатида эса ментал харита, электрон дарслик, визуал экскурсия, ностандарт тестлар киритилди.

Талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришда мнемик фаолият усуллари, витаген ва рефлексив технологиялар, ментал харита билан ишлаш методлари ва унинг ҳиссий таъсири самарали ҳисобланди.

Талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришда махсус метадастур тузилган бўлиб, унинг асосини ахборотлар тизимини тушуниш ва эса қолдириш (маъруза), маълумотларни таснифлаш ва тавсифлаш, музокара шаклида тузилган шахсий қарашларни муҳокама қилиш, бизнес ўйинларни ташкиллаштириш (амалий машғулот), ахборотнинг аксиологик

мазмунини тушуниш, кадриятлар тизимини ижтимоий ва касбга оид вазифаларга йўналтириш (маъруза-суҳбат дарслари), ахборотга нисбатан шахснинг ҳиссий муносабатини шакллантириш, талабанинг ҳаётий тажрибасидан, интернетдан ва қўшимча манбалардан фойдаланиш (мустақил таълим) ташкил этилди.

Талабалар экологик компетентлиги ривожлантиришининг методик тузилиши бир нечта босқичга ажратилди.

Биринчи босқич – мотивацион рефлексив босқич бўлиб, талабалар томонидан ўзлаштирилаётган билимлар заруриятининг онгли ҳис қилиниши ва мақсад, вазифаларни аниқ кўрсатиши лозим. Бунда талабалар экологик фаолият, ташаббус ва “Экологик компетентлик” тушунчанинг асосий мазмуни билан танишади ва улар томонидан ўзлаштирилаётган фан синтез қилинади. Бу босқичнинг биринчи қадами – бу таълим олувчилар мотивизацияси. Бу мақсадда талабаларга экологик жараёнларни онгли англашилиши учун муҳит яратилди (атроф-муҳит, табиат, инқирозлар ҳақидаги видеоларҳалар).

Бу босқичдаги таҳлилий педагогик лабораториялар мазмуни шундан иборатки, ҳаётий жараёнларни лойиҳалаш (ҳаётий тажриба ҳосил қилувчи ҳаётий воқеалар, жараённи лойиҳалаш, яъни таълим берувчи ва таҳсил олувчи ўртасидаги таълимий диалоглар, таълимни кундалик ҳаётий фаолиятга яқинлаштириш орқали ўрганилаётган материалнинг ҳосил қилинаётган маданият босқичлари сифатида шаклланиши, ҳаётдаги кадриятларни англаш орқали ўз “мени”нинг ҳосил бўлиши ва атроф-муҳит билан мувозанатли муносабатга кириша олиши) амалга оширилди.

Иккинчи босқич – репродуктив-таълимий. Илмий экологик билимларни амалий тажрибалар орқали ривожлантириш. Илмий экологик билимлар тажрибасини асосланиши билим, кўникма ва малакаларни янада мустаҳкамлаб, компетентлик даражасига йўналтиради. Лойиҳа билан ишлаш алгоритминини эгаллаш жараёни ижодкорлик фаолиятни ривожлантиришга, ўзгарувчан дунёда керакли экологик тадбирларни амалга оширишга қаратилган. Лойиҳалашнинг назарий қисмида қуйидагилар:

- долзарб муаммони аниқлаш;
- лойиҳалаш учун мавзуни танлаш;
- вазифавий ёки ғоявий гипотезаларни илгари суриш;
- моделлаштиришни амалга ошириш;
- ижодий ишнинг тақдимотини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш тавсия этилди.

Учинчи босқич – конструктив. Бу босқичда талабалар ўзларининг “методларини” намоиш этади. Конструктив босқичда шахснинг ижтимоий-психологик дунёси ёритиб берилади.

Тақдим этиладиган лойиҳа қайтадан ижодкорона ишлаб чиқилади. Талабалар гуруҳида мавзулар турлича бўлиши мумкин, аммо тизим ҳосил қилувчи асос ягона. Бу босқич ҳам бир неча қисмдан иборат бўлиб, улар:

- ўрганилаётган аспекти долзарб муаммоларни аниқлаш (ассоциатив воситалар орқали, расмлар, видеотасмалар, матнлар ва х.к.) муаммонинг кўлами ва аниқлик даражаси;
- муаммони ўрганиш жараёнини ахборот ва инновацион таълим технологиялари орқали жадаллаштириш;
- талабалар жавобларни таҳлил қилиш ва гуруҳлаш;
- ўқув мақсадларни муаммо дарахти орқали тасвирлаш;
- лойиҳа иши объекти ва предметни аниқлаш, ғоялар генерациясини асослаш ва далиллаш;
- Рефлексия ҳосил қилиш ва билимларни аксиологик қадриятларга айланиши кузатилди.

Тўртинчи босқич – талаба шахси экологик компетентлигини шаклланиши ва ривожланиши. Бу босқичнинг ўзига хослиги шундаки, талаба шахси ўз дунёқарашида дунё билан яхлитликни ҳис қила бошлайди. Бу босқичда талабалар томонидан витаген, рефлексив, ахборот, коммуникацион, фасилитацион технологияларни амалда қўллаш ва бу технологияларнинг самарасини кўриш имкони пайдо бўлади. Тўртинчи босқични амалга оширишда ментал хариталардан фойдаланиш, билимларни яхлитлаш ва мазмун-моҳиятини тушунишга ҳамда эгалланган билимларни ҳаётий жараёнларда қўллаш имкониятини пайдо бўлади.

Интеграциялашган таълим тизимини экологик компетентликнинг таълим тизимига боғлаш, талабаларнинг мустақил ва яхлит ҳолда ўзлаштирилаётган барча фан кўникмалари ва билимларини экологик хавфсиз ҳолат (ҳаракат, фаолият), инсон саломатлиги ва хавфсизлиги масалалари бўйича таълим тизимидаги бошқа фанлар билан интеграциялаш талабаларда яхлит табиий-илмий дунёқарашни ривожлантиришга ёрдам берди.

Талабалар экологик компетентлиги нафақат ўқув фанлари доирасидаги билимлари, балки таълим тизимининг кўп қиррали интеграциялашган илмий ҳамжиҳатлиги ҳамдир. Экологик компетентликни таълим тизимига татбиқ этиш орқали, талабаларнинг мустақил ва яхлит ҳолда ўзлаштирилаётган барча фан кўникмалари, билимларини экологик хавфсиз ҳолат (ҳаракатлар, фаолиятлар), инсон саломатлиги ва хавфсизлиги учун таълим тизимидаги бошқа фанлар билан интеграциялашга эришилди ва экологиядан ўқув дастуридаги мавзуларни экология ва атроф муҳит муҳофазаси билан интеграциялашган дастури ишлаб чиқилди. Бу эса талабаларнинг танлаган мутахассислигига қараб маъруза ва амалий машғулотларни ташкил этиш имкониятини яратди.

Диссертациянинг “**Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва уни ўтказиш**” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба натижаларини олиш учун кузатув, сўровнома, тест ўтказиш, оғзаки ва ёзма сўров, ёзма иш каби турли усуллардан фойдаланилди.

Талабаларда экологик компетентликни ривожлантириш ва унинг шаклланишини ўрганиш мақсадида дастлаб мавжуд камчиликлар

ўрганилди. Олий таълим тизимидаги ҳолатни баҳолаш учун ишлаб чиқилган махсус режа асосида педагогик тажриба – синов ишлари олиб борилди.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда “Талабаларда экологик компетентликни шакллантириш бўйича ҳаракат харитаси” амалга оширилди. Унга кўра талабаларда экологик компетентликни ривожлантириш ғоялари татбиқ этилган ишланмалар, услубий ва ўқув қўлланмаларни амалиётга жорий этиш талаб этилди. Педагогик тажриба синов ишлари (2012-2018) йилларда уч босқичда, яъни ташкилий-тайёргарлик, шакллантирувчи ва умумлаштирувчи босқичларда амалга оширилди. Тажриба натижалари тажриба-синов гуруҳларидаги талабаларнинг ўзлаштириши Стъудент-Фишернинг математик - статистика методи ёрдамида таҳлил қилинди. Дастур татбиқ этишдан олдин талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришдаги мавжуд ҳолатни ўрганиш, таҳлил қилиш, суҳбатлар ўтказиш ва сўровномалар орқали тажриба синов ишларида иштирок этувчи талабаларнинг дастлабки экологик компетентлик даражаси аниқланди. Тадқиқот юзасидан педагогик тажриба - синов ишлари Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Гулистон давлат университетида ташкил этилди ва ўтказилди.

Талабалар экологик компетентлиги уч асосий (қуйи, ўрта ва юқори) даражаларда баҳоланди. Талабаларда экологик компетентлик шаклланганлиги: экологияга оид тушунчаларни билиш даражаси (Блум таксономияси асосида), табиат ва атроф-муҳитга оид ҳиссиётлар ва рефлексиялар орқали ҳамда табиий атроф-муҳитга бўлган экологик муносабатлар асосида аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал.

Талабаларда экологик компетентликнинг шаклланганлик даражалари

	Юқори даража	Ўрта даража	Қуйи даража
Экологияга оид умумий тушунчалар (Блум таксономияси асосида)	Экология соҳасидаги билимларни ривожлантириш, экологик муаммоли вазиятлар ва мунозарали масалаларга фаол кўринишда ечим топишга ҳаракат қилиш, экологик саводхонлик, билиш бўлган қизиқиш ва мотивациянинг юқори бўлиши. Мавзу юзасидан тавсия этилган ностандарт ўқув, тест топшириқлари ва экологик масалаларни ижодий ҳал этишга кодир	Экологик билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишнинг мавжудлиги ва талабаларнинг экологик фаолиятлари эстетик ва билишга оид фаолиятлар натижаси эканлиги, мавзу юзасидан тавсия этилган ностандарт ўқув, тест топшириқлари ва экологик масалаларни кўрсатмага мувофиқ ҳал этади	Экологик билимлар ва ҳаракатларни юзаки қабул қилиш. Бунда атроф-муҳитни инсон учун зарур ва талабларни қондириш воситаси сифатида англаш. Ностандарт ўқув, тест топшириқлари ва экологик масалаларни ҳал этишда муайян камчиликларга йўл қўяди


Табиат ва атроф-муҳитга оид ҳиссиётлар	Экологик мазмундаги фаолиятлар натижасида талабаларда масъулик ва экологик кадр-қийматнинг юқорилиги	Табиат бойликларнинг фойда-зараридан қатъий назар “асраш лозим” деган фикр устуворлиги	Табиий қадриятлар тизими ичида экологик қадриятлар муайян ўринни эгаллагани билан, талаба ҳаётида етарли аҳамият бермайди
Табиий атроф-муҳитга бўлган экологик муносабат	Табиатни муҳофаза қилиш ва асрашга доир амалий вазифаларни ҳал этишда лидерлик вазифасини бажаради, тадбирларда фаол иштирок этади	Экологик муаммоларни юзага келиши сабабларини аниқлай олади, амалий ечимини топишда муайян камчиликларга йўл қўяди, тадбирларда суист иштирок этади	Экологик муаммоларнинг юзага келиши сабабларини аниқлашда муайян камчиликларга йўл қўяди, амалий ечимни топишда қийинчилик ҳис этади, бефарқлик кузатилади

Амалга оширилган педагогик тажриба синов ишлари талабалар томонидан билимлар муваффақиятли ўзлаштирилганлигини кўрсатди. Олинган натижалар ҳисобланиб, хулосалар чиқарилди. Якуний назоратларда топширилган мустақил ишларнинг амалий аҳамиятини инобатга олувчи ҳамда талабаларнинг фикрлаш, ижодий сифатларининг ортганлик даражасини баҳоловчи тест сўрови натижалари таҳлил қилинди.

1-жадвал ва 3-4- расмдаги диаграммадан самарадорлик кўрсаткичи тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 15 фоизга юқори эканлиги кўриниб турибди. Бу эса юқорида қилинган хулосамиз тўғри эканлиги исботлади. Ўтказилган педагогик тажрибалардан олинган натижаларнинг умумий статистик таҳлил диаграммаси қуйидаги 3- ва 4- расмларда тасвирланган.



3-расм. Экологик компетентликни ривожлантирувчи омилларнинг тажриба-синов натижаларидаги кўрсаткичи.



4-расм. Тажриба-синов натижаларининг самарадорлик кўрсаткичи диаграммаси.

Ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларининг якунларига кўра, олий таълим муассасасида талабалар экологик компетентлиги қуйидагича ривожлантирилди:

- таянч компетенциялар хусусий даражадан кенгроқ миқёсда ривожланиши лозим эканлиги, фанлараро интеграцияда мукамал кўрилди;

- табиатни муҳофаза қилишнинг барқарор ривожланиш дастурига биноан кенг миқёсда олиб борилган тадқиқот иши натижасида талабалардаги экологик компетентлик хусусий даражадан таянч даражагача ривожлантирилди;

- талабаларда илмий, ҳиссий ва маданий ёндашувлар бирлиги таъминланди;

- талабаларда экологик билим ва фаолиятларнинг ижобий йўналишлари кучайди;

- талабалар ўзлари танлаган касбий мутахассислигини экологик жиҳатдан таҳлил қила олишлик даражасидаги билимлар ва компетенцияларни эгаллади.

Демак, талабаларнинг экологик компетентликни ривожлантиришга оид инновацион технологиялар ва замонавий усулларни қўллашнинг ўзлаштиришга таъсири юзасидан ўтказилган педагогик тажриба синов ишлари самарали ва ишонарли деб хулоса қилиш мумкин.

ХУЛОСА

“Талабаларда экологик компетентликни ривожлантириш тизимини такомиллаштириш методикаси” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Талабалар экологик компетентлигини ривожлантириш мақсадида хориж экологик таълим тизимининг илғор тажрибалари ўрганилди, холистик ёндашув, фасилитацион таълим, норматив-ҳуқуқий маданиятлик

устуворлиги аниқланди, замонавий экологик таълим тизимида бенчмаркинг стратегиясини қўллаб-қувватлаш асосида миллий таълим тизимида мослаштириш натижасида талабалар экологик компетентлиги барқарор ривожланиш концепциясига мос методик тизим шакллантирилди. Мазкур методик тизим мазмуни умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида, талабаларда таркиб топтирилган соғлом турмуш тарзи ва экология компетенциясига оид билим, кўникма, малака, табиий ва миллий қадриятларга асосланган, когнитив, аксиологик, меъёрий–рефлексив, операцион фаоллик негизида ривожлантиришга эришилди.

2. Талабаларнинг экологик компетентлигини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар сифатида ўзи ва ўзгаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, умуминсоний, миллий ва табиий қадриятларнинг устуворлиги белгиланди, компетентликнинг эгалланганлик даражалари ижтимоий фаолликка асос бўладиган фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлар, норматив ва аксиологик мезонлар орқали аниқланди, бўлажак мутахассисларнинг экологик компетентлиги нейролингвистик дастурлашнинг метамодел, “Лангар”, “Рапорт” каби услублари касбий кўникмалар билан интеграциялаш асосида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” ўқув курсида ташкил этиладиган маъруза, амалий машғулот ва мустақил таълимда талабаларда экологик компетентлик ривожлантириш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

3. Бўлажак мутахассисларнинг экологик компетентлигини ривожлантириш модели Б.Блум таксономиясига биноан методологик, назарий, шаклий, технологик ва таҳлилий-натижавий босқичлар асосида такомиллаштирилди, унинг мотивацион, когнитив, тезкор-вазифавий фаолият мезонлари аниқланди, инновацион (фасилацион, витаген, рефлексив) ва ахборот технологияларидан узвий фойдаланиш асосида дидактик таъминоти ишлаб чиқилди.

4. Талабалар экологик компетенцияларини ривожлантиришнинг методик тизими, дидактик вазифалар ва педагогик муносабатлардан иборат метадастурий тузилманинг мазмун моҳияти очиқ берилди ва атроф-муҳит, инсон капитали ва глобал иқтисодиёт талабларига биноан талабаларнинг ўқув фаолияти репродуктив, қисман-изланишли, креатив (ижодий) ўқув топшириқлари асосида лойиҳаланди, билиш қобилятини ривожлантиришнинг уч босқичидан фойдаланилди.

5. Тадқиқот бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижалари тажриба гуруҳлари талабаларида экологик компетенциянинг ривожланганлиги кўрсаткичлари сезиларли ўсганлигини кўрсатди. Статистик кўрсаткичлар тадқиқотда таклиф қилинган экологик компетенцияни ривожлантиришнинг самарали методикасини қўллаш натижасида, талабаларнинг экологик ва барқарор ривожланиш талаблари асосида малакалари ҳамда кўникмалари яхши ривожланганлигини исботланди.

ТАВСИЯЛАР

1. Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейларда биология Давлат таълим стандартида фанга доир хусусий компетенциялардан бири соғлом турмуш тарзи ва экологик компетенция саналади. Талабаларда экологик компетенцияларни таркиб топтириш жараёнида ментал харитадан фойдаланиш ўзлаштирилган назарий билимларни амалда қўллаш ва витаген тажрибаларни эгаллашга имкон яратади.

2. Биология ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари мазмунига ўрганиладиган мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда назарий, амалий ва назорат ментал харита тузиш методикаси сингдирилиши лозим.

3. Олий таълим муассасалари ўқув режасидан ўрин олган барча фанларни ўқитишда талабаларнинг шахс ва рақобатбардош кадр сифатида шаклланиши назарда тутилган ҳолда инновацион ва ахборот технологиялардан узвий фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ОБЛАСТНОЙ ЧИРЧИКСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

МИРЗАЕВА НОДИРА АБДУХАМИДОВНА

**МЕТОДИКА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ РАЗВИТИЯ
ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ У СТУДЕНТОВ**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (биология)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3. PhD/Ped317

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.cspi.uz) и на информационно-образовательном портале "ZiyoNET" по адресу (www.ziynet.uz)

Научный руководитель: **Толипова Жамила Олимжоновна,**
доктор педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Эрназарова Гулнора Облакуловна,**
доктор педагогических наук, профессор

Ибодова Махфуза Намозовна,
доктор философии (PhD) по педагогическим наукам

Ведущая организация: **Кокандский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «04» августа 2021 года в 12-00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: cspi-kengash@umail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (зарегистрирована за №_31). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, 104-дом. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан «19» июля_ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 3 от «19» июля 2021 года).


Ж.Э. Усаров
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д. п.н. (DSc)
Д.М. Махмудова
ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.п.н. (PhD)
Р.А. Эшчанов
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней д.б.н, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации: Устранение социальной, экономической, демографической, духовной и экологической напряженности, возникшей в рамках человеческой деятельности в мире, было поставлено в качестве актуальной проблемой современной цивилизации на Пятом Саммите Организации Объединённых Наций по окружающей среде 2021 года программой UNEP⁴ (United Nations Of Environment Programme): было отмечено, что неспособность изменить социально-экономические, экологически нестабильные подходы к природе приведет к возникновению пандемий, связанных со здоровьем, что станет новой причиной обострения существующих проблем.

Мир признает необходимость международных и региональных программ экологического образования, а также востребованность мегакомпетентным и творчески мыслящим специалистам, способных целостно и системно осознать и анализировать проблемы социального и экологического слоёв. В этом направлении “Образовательная Федерация будущего мира” - “World Futures Studies Federation”⁵ и программа изучения экологического образования будущего «Education For Our Common Future», образовательный портал по устойчивому развитию в Лондоне (GDLN) предоставляет эффективную услугу по обеспечению развития экологического образования.

В Республике Узбекистан реализуется широкий спектр задач по внесению вклада в решение экологических проблем путем внедрения системы образования, повышения экологической грамотности подрастающего поколения, формирования и развития экологического сознания и экологической культуры, эффективной организации процесса экологического образования и воспитания⁶. Исходя из этих задач, при реализации современного экологического образования – воспитания в рамках человеческого капитала и мировой экономики создание педагогической модели экологической готовности, которая будет основой экологической компетентности современного специалиста, свидетельствует об актуальности выбранной темы.

Диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач по коренному реформированию системы высшего образования и последовательному изучению экологической компетентности студентов, определенных в постановлении Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года № ПП-4805 “О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «Химия» и «Биология», постановлениях Кабинета Министров

⁴ <https://www.un.org/ru/ga/unep/index.shtml>

⁵ En.m.wikipedia.org, <https://wfsf.org/>

⁶ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 мая 2019 года № 434 "Об утверждении Концепции развития экологического образования в Республике Узбекистан".

Республики Узбекистан от 20 октября 2018 года № 841 “О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года”, от 27 мая 2019 года № 434 “Об утверждении Концепции по развитию экологического образования Республики Узбекистан”, а также Концепции развития экологического образования Республики Узбекистан.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы.

Теоретические основы экологии и охраны окружающей среды в Республике Узбекистан были разработаны А.Тухтаевым, Э.О.Турдикуловым, Б.Зиемухаммедовым, Х.Турсуновым, А.Нигматовым, Т.Ергашевым, А.Эргашевым, Ш.Т.Отабоевым, Р.У.Бекназаровом, Д.Ёрматовыми; в системе дошкольного образования: М.Р.Халиловой, Л.Т.Шанасировой, Г.Комиловой; методологические основы повышения экологической грамотности студентов и их применение в высших учебных учреждениях: Н.Бозоровой, А.Маликовой, И.Х.Аюбовой; задачи экологического образования и культуры, проблемы междисциплинарной интеграции: А.Р.Мелибоевым, Х.Б.Норбутаевым, М.Нишонбаевым, Н.О.Нишоновой, О.Т.Абдиевой, М.М.Аликуловой, Б.Культураевым, П.О.Бердановой, В.Сатторовым, Т.Т.Сапаровым, М.Б.Рахимкуловым, Н.М.Эгамбердиевой, М.Рахматуллаевой, Х.Рахматовой; реализацию компетенционного подхода к учебно-воспитательному процессу изучали Ж.О.Толипова, Г.С.Эргашева, А.К. Рахимов, Н. Муслимов, Б. Ходжаев.

Ученые стран Содружества Независимых Государств В.Н.Вернадским, Н.Н.Моисеевым изучена теория экологии, а различные аспекты совершенствования научно-методологической подготовки к передаче экологических знаний студентам исследованы такими учеными, как Н.М. Мамедов, С.Н. Глазачев, М.А.Заборина, А.В.Хуторский.

Если педагогическая эффективность и дидактическая суть экологических знаний раскрыты в трудах зарубежных ученых, как Laleshwar Nand, Nina Roczen, Bartosh Oksana, Marcus Arny, то научные изыскания и исследования таких ученых-экологов, как Thomas E.Lovejoy, Eugene Pleasants Odum, F.Stuart Chaplin III служат теоретическому и практическому развитию мировой экологии.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках проекта практических исследований А-1-230 «Подготовка учебника «Экология и охрана окружающей среды» и учебно-методического пособия

«Экологическое краеведение» (2015-2017) плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета.

